

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

254 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг низоми ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 18 мартдаги ПФ-4295-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тугатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 27 май,
ПФ-4315-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2011 йил 27 майдаги
ПФ-4315-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил қилиш тўғрисида» 2005 йил 2 апрелдаги ПФ-3590-сон

Фармони 2-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати томонидан амалга оширилади» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати томонидан амалга оширилади» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги ПФ–3592-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисидаги низомнинг 21-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари ҳамда ташкилий-назорат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчилари билан келишилган ҳолда» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ташкилий-кадрлар хизмати билан келишилган ҳолда» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 мартдаги ПФ–4094-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида авф этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди биринчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Давлат маслаҳатчиси хизматининг Фуқаролик ва авф этиш масалалари бўйича шўъбаси томонидан» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги ПФ–4305-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти Уставининг 5-банди ўн иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2011 йил 27 майдаги
ПФ-4315-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1992 йил 17 июлдаги ПФ-440-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада иқтисодий ислохотни амалга ошириш масалаларига доир қарорлар бажарилишини назорат қилувчи жамоат комиссияларини ташкил этиш тўғрисида» 1992 йил 2 ноябрдаги ПФ-484-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада давлат назорати тизимини такомиллаштиришга оид баъзи тадбирлар тўғрисида» 1994 йил 16 февралдаги ПФ-762-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этиш тўғрисида» 2000 йил 17 февралдаги ПФ-2546-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги низом ҳақида» 2000 йил 29 мартдаги Ф-1141-сон фармойиши.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Назорат бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2000 йил 4 августдаги ПФ-2679-сон Фармони.